



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 17 июль, чоршанба

№56 (11.444)

Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июль куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигидаги "Ипак йўли энергетик миссияси" вакиллари делегациясини қабул қилди.

— Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми ташаббуси билан ташкил этилган мазкур миссиянинг номи унинг мақсадларини яққол кўрсатиб турибди, — деди Ислам Каримов учрашувда.

— Миссия тарихида Япониянинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралари қаторида, Ўзбекистонга яқин таниш бўлган, мамлакатимиз билан ҳамкорлик борасида бой таърибга эга банк ва компаниялари вакиллари бўлгани ҳам диққатга сазовордир.

Осиё давлатларининг шу йил апрель ойида Боасо (Хитой) шаҳрида бўлиб ўтган форумида Бош вазир Д. Коидзуми минтақамиз мамлакатларининг бутун Шарқий Осиёдаги иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига интеграциялашувни уларнинг Япония билан алоқалари ривож учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган эди.

Ушундан бу ташаббусини рўйбга чиқариш мақсадида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш учун "Ипак йўли энергетик миссияси" тузилди.

Умуман, Ўзбекистоннинг Япония билан муносабатлари хар соҳада жадал ривож-

ланмоқда. Иқтисодиёт борасида Япониянинг шу вақтгача Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоси ҳажми 1,6 миллиард, "Тараққиётга расмий ёрдам" ҳукумат дастури доирасида кўрсатилган ёрдамнинг ҳажми эса 100 миллион АҚШ долларидан ошгани, мамлакатимиздаги қарийб барча йирик лойиҳаларда япон сармоядорлари иштирок этаётганини айтишнинг ўзи kifoya. Сиёсат бобида томонларнинг кўплаб халқаро масалаларга муносабати муштарак, бундан ташқари, Ўзбекистон Японияни БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сафидан жой олишини кўлаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон ва Япония бир-бирининг террорчиликка қарши кураш борасидаги сэй-ҳаракатларини ҳам маъқуллаб, ҳар томонлама кўлаб-қувватлайди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро алоқалар қўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(Ў.А.)



ЎЗ-НЕЪМАТЛАРИ — ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Тошкент туманидаги А. Абдураҳмонов номли ширкат ҳужалигининг пудратчилари бу йил эл дастурхонини учун ширин-шакар мева ҳам етиштирмоқдалар.

Ҳўжаликда 194 гектар боғ бўлиб, мевазорларда 200 пудратчи боғбон меҳнат қилмоқда. Улар бу йил олхўридан 500 тонна, олмадан 200 тонна ҳосил етиштиришни ўз олдидарига мақсад қилиб кўйишган.

Ширкат ҳўжалигида ўзининг самарали меҳнати билан ўрناк бўлиб келаятган бош пудратчи Раҳулжон Қурбонов 50 гектар майдонда боғ барпо этган. Ҳозир 28 гектар мевазордан ҳосил олмоқда. Режага асосан гектаридан 8



тонна ўрнига 10 тонна олхўри, 10 тонна ўрнига 15 тонна сархил олма териб олинапти. Илгор пудратчилардан Қосим Мирзааҳмедов, Қобил Алимов, Дилмурод Қўрғоновлар ҳам бу мавсумда боғлардан мўл ҳосил йиғиштириб, режани ошириб бажармоқдалар. Умуман боғбонлар бу йилги ҳосилдан 60 миллион сўм даромад олишни мўлжаллашмоқда.

СУРАТДА: 1. Ширкат ҳўжалиги боғбони Насиба Бозорова ўз меҳнатидан мамнун. 2. Илгор пудратчилардан Раҳулжон Маннопов ва Ҳабиба Анорбоевалар ҳосилни териб олмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоят ҳокимлигида ҚУРИЛИШГА — ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР

Вилоят ҳокимлигининг индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича мажмуасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналарнинг жорий йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти яқунлари ҳамда навбатда амалга ошириладиган вазифалар, қурилишда ислохотларнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилишда вилоят ҳокимлиги қотибият ва гуруҳ раҳбарлари, қатор бошқармалар бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, буюртмачилар, лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари, бинокорлик ашёлари санвати корхоналари раҳбарлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ.Асатов олиб борди.

Йиғилишда капитал қурилиш соҳасида биринчи ярим йилликда ижобий силжишлар юз берганлиги қайд қилинди. Шу даврга 40,5 миллиард сўм сармоя ўзлаштирилди. 150 минг квадрат метрдан ортиқ сатхли уй-жойлар, 150 километр атрафдаги табиий газ ва сал кам 60 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқлари, 4200 ўринли мактаблар қурилди. Йиғилиш катнашчилари вилоятимизда коллежлар ва академик лицейлар қурилишида таркиб топган аҳолини батафсил муҳокама қилдилар. Бу йил вилоятда барча маблағлар

ҳисобига 16 та касб-ҳунар коллежлари қурилиши назарда тутилган бўлиб, уларнинг 10 тасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Утган беш ойда эса 1800 ўринли иккита касб-ҳунар коллежлари ва 400 ўринли ётоқхоналар қурилади. Улар Бекобод туманидаги Далварзин шаҳарчасида маънавий хизмат соҳасидаги 900 ўринли касб-ҳунар коллежи, иккинчиси эса Чиноз туманидаги Олмазор шаҳарчасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги 900 ўринли касб-ҳунар коллежидир.

Давлат бюджетиди ҳисобига эса шу йилнинг 1 сентябригача 9та коллеж ва қатор ётоқхоналар фойдаланишга топширилиши лозим. Бу барча мутасадди ташкилотлар — маҳаллий ҳокимликлар, бююртмачилар, молиялаштирувчилар, бинокорлардан сэй-ҳаракатларни, ҳамкорликни қўлайтириш, мажмуд муаммоларни ечишда тезкорлик, ҳар бир иншоотда бунёдкорлик ишларини пухта ташкил этиш, зарурат туғилса, уни икки-уч сменда олиб боришни талаб этади.

Йиғилишда қурилишнинг бошқа жабҳаларидаги ишларнинг аҳоли ҳам чуқур таҳлил этилди. Уй-жойларни, мактаблар, боғчаларни, тиббиёт муассасаларини қиш мавсумига пухта ҳозирлаш, бунинг учун уларнинг бинолари ва муҳандислик тармоқларини таъмирлашни ҳар томонлама жадаллаштириш, ёқилгини етарли ҳажмда тайёрлаб қўйиш лозимлиги алоҳида уқтирилди. Умуман, капитал қурилишда ишнинг боришини жадаллаштириш ва сифатини яхшилаш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга ошириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш кераклиги таъкидланди.

«Туркистон-пресс».

КИМЁ САНОАТИДА ТУБ БУРИЛИШ

«Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компанияси келаси йилнинг дастлабки чораги охиригача қадар ўзининг бешта корхонасини тўла-тўқис хусусийлаштиришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Буюк Британиянинг Maxwell Stamp PLC хусусийлаштириш бўйича компанияси маслаҳатчиси Ричард Бернстром журналистларга маълум қилди.

Maxwell Stamp PLC «Ўқимёсанот» компанияси корхоналарини хусусийлаштириш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг молиявий йўриқсини ҳисобланади.

Р.Бернстромнинг айтишича, айни пайтда молиявий йўриқни битта корхона бўйича баҳолаш жараёнларини тугатди. «Бизнинг баҳойимиз ўзбекистонликлар баҳосига мос келганидан мамнунмиз», — деди Р.Бернстром. Шу ой охиригача қадар Maxwell Stamp PLC яна иккита корхона баҳолайди. Куз бошларида бориб, тендер ҳужжатлари ишланмасига киришляди. Маълумки, жорий йилнинг бошида Республика Давлат Мулк қўмитаси «Ўқимёсанот» давлат акциядорлик компаниясининг бешта корхонасини хусусийлаштириш бўйича молиявий йўриқини ёллаш тендерига голиб чиққан Maxwell Stamp PLC билан шартнома тузилганди.

Мазкур жараён халқаро тиклаш ва тараққиёт банки хомийлигида республикадаги йирик корхоналарни хусусийлаштириш дастури доирасида амалга оширилмоқда. ХТБ 1998 йилда Ўзбекистонга ушбу мақсадлар учун 28 миллион доллар кредит ахратган эди.

«Туркистон-пресс».

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ЯПОНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ КАТТА ЎРИНБОСАРИ, "ИПАК ЙЎЛИ ЭНЕРГЕТИК МИССИЯСИ" ВАКИЛЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РАҲБАРИ СЭЙКЕН СУГИУРА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Япония муносабатлари барча жабҳаларда, жумладан, фан ва таълим соҳаларида ҳам тобора кенгай-

моқда. Хусусан, мазкур институт ҳам Япониянинг Нагоя университети билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Утган йили Нагоя шаҳрида Япониялик юксак мартаба-

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ЮРИДИК ИНСТИТУТДА

ли меҳмоннинг институт профессор-ўқитувчилари билан учрашувда икки мамлакат ҳуқуқшунослари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболига оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашувда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Кийоо Накаяма хоним иштирок этди.

Ў.А.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

«Туркистон» саройида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Автобусдан тушишим билан 35-40 ёшлардаги йигит яқин келиб, иккиланги оҳангиди:

— Тога, курсдош дўстимни кўриб кетгани Қибрайга келаятган эдим, шофёр шу жойга ташлаб кетди, — деб қолди.

— Жуда тўғри қилибди, мана шу шаҳар — Қибрай.

— Йў-е... 1992 йили институтни битираётганимизда, уйда меҳмон бўлганда. Яндоқда бир чойхона, йўл устида бир станса...

— Бу гапингиз ҳам тўғри, — қулдим. — Ўн йил — ўн ой эмас-да, жиян, — кейин чинорлар соясидида чойхонага ишора қилдим. — Ана ўша чойхонангиз.

Йигит тикилиб турди-да, қорамғиз чехрасида майин жилмайиш пайдо бўлди.

— Тўғри, айвони ўша... Биз чойхона томон юрдик. Меҳмон дафъатан: — Чойхона ўша, лекин биноси тамомила бошқа, — деб қўйди.

Лекин, бино ҳам шунчаки каттароқ бўлиб қолгани йўқ. Айвоннинг уймакор устунлари, шифт ва деворлар нақши кишини маҳлиё қилиб қўярди. Бугун бутун юрда шундай ўзгарди. Илгарироқ борган шаҳар ва қишлоқнингизни бугун танимайси. Фақат шу Қибрай туманининг ўзидаги ўзгаришлар қанча. Қибрай тадбиркорлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар бугун наинки Ўзбекистонда, балки олийсани хорижда харидордир. Сабавот ва мевалар тўғри даданишдан Россия ва

Mustaqillikning 1 yilligiga

лоятлардан келувчи профессионал санъаткорлар билан бир қаторда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ҳам дунёнинг барча мамлакатларига тўғридан-тўғри эфир орқали намойиш этиляди.

Йиғилишда байрам тантаналарига қўриляётган тайёргарликнинг бориши, унда иштирок этадиган жамоалар таркиби, майдонимиз ва кўчалар безалари ҳақида ахборот берилиб,

га юз тутмоқда, — дейди ҳоким Қамбарали Эшонқулов. — Еттига қўшма корхонамиз йирик хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобатта бардошли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. «Конмит», «Конвин», «Искандар-Фуде», «Фазалкентойна» корхоналарининг маҳсулотлари яқин ва олис хорижда ҳам харидордир.

Ифтихор ҳисси билан ай-

сиёсий ҳаётдаги ислохотлар, хусусийлаштириш, эркинлаштириш жараёнлари шу тарихда барқарорлаша бошлади. Ва, ниҳоят, 1996 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулот ўсишига юз тўтиб, унинг суръатлари тобора барқарор тус олди. Бунда вилоятимизни ҳиссаси ҳам тобора салмоқли бўлиб борибди. Табиийки, иқтисоддаги бу ўзгаришлар сармоялар, ай-

тилувчи бундай гапларни тўйлепада ҳам, Янгийўлда ҳам, Олмалиғу Ангренда ҳам эшитасиз. Чиноз тўқимачилари ишлаб чиқараётган калавалар, газламалар ўз сифати билан доврўр қозонмоқда.

Бу ўзгаришларнинг манбаи нимада?

Ахир, яқин ўтмишдаги, мустақиллигимиз ибтидоидаги ҳолатлар кўз ўнгимизда-ку? Саккиз-тўққиз йил аввал ялпи ички маҳсулотнинг қандайдиган таъмоили барқарор тус олганди-ку?

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўз нуқтани назари, ўз «моделли» билан кириб келди. Иқтисодиёт, ижтимоий-

алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, асосий тантаналарда иштирок этувчи ёш эстрада жамоаларини саралаш бўйича дастлабки кўрик танлов ўтказилди. Унда барча вилоятлардан келган юзлаб ёш санъаткорлар ўзларининг янги қўшиқларини ҳайъат аъзолари эътиборига ҳавола этишди. Уларнинг ижроси сингиллаб ўрганилиб, энг яхши деб топилган қўшиқ ижодкорига навбатдаги босқичларда иштирок этиш учун тавсиялар берилди.

«Туркистон-пресс».

Хушхабар СОВРИНДОРЛАР ОРАСИДА ИККИНЧИ

Фарғонада республика мудофасага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ўтказилган автомобил кўпкураш бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати ниҳоятга етди.

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган спортчилар иштирок этишди. Беллашуларда спортчининг автомобилни бошқаришда ўзини тутиши, автомобилни маҳорат билан бошқариши, пневматик миляндан отиш ҳамда «Тико» ва «Зил-130» автомашиналарида 1000 метрга пойга бўлиб ўтди.

Мусобақада голиблик учун қизгин кураш борди. Қолаверса, беллашулар давомиди ҳайдовчилар ўзларининг элчилликларини, ёнлиги тежаш бўйича маҳоратлари, техникага эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишларини кўрсатди. «Зил-130» автомобилларида бўлиб ўтган мусобақаларида бўлиб ўтган мусобақаларида Ташкент вилояти вакили Абдулазиз Абдуразоқов иккинчи ўринни эгаллади.

«Туркистон-пресс».

Истиқлол манзаралари: ФИКР ЯНГИЧА, ҚАДАМ ЎЗГАЧА

лик сабоқларини олишга киришилди.

Яқинда ҳоким Саидхўжа Тошхўжаев билан суҳбатлашиб қолдик. Табиатан вазмин бу киши туманда амалга оширилган ишлар ҳақида гап бошлади-ю бутун вужудда, нигоҳларида ўзгариш рўй берди. Ахир, бир йилда янгидан тўртта мактаб тикланаётган, «Сналар ва болалар» давлолаш мажмуи барпо этиляётган, фақат ободонлаштириш ва ижтимоий қурилишларга 1,5 миллиард сўм сарфланиб турган бир пайтда, бу ҳақда ички бир гуруҳ ва фахрсиз гапириб бўладими?

— Бугун туманимиз жаҳон-

1999 йили вилоят бўйича ҳосилдорлик 28,5 центнерни ташкил этган эди. Бу кўрсаткич 2000 йили — 31,4га, ўтган йили 37,6га кўтарилди. Бу йил вилоятда галанинг ўртача ҳосилдорлиги 44 центнерга өтди.

Фалла мустақиллигининг доволлари шундай. Халқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа соҳалари, сановат ва хизмат кўрсатишдаги ўзгаришларни айтмайсиэми? Яқин-яқинларда ҳам вилоятнинг «тоғли» қолок бир тумани ҳисобланган Бўстонликдаги ўзгаришларнинг ўзи оламжаҳон.

— Бугун туманимиз жаҳон-

ниқса, хорижий инвестицияларни талаб этади. Мустақил Ўзбекистон бу соҳада ҳам ўзига хос йўл тутди. Утган кунда мудолатда фақат Жаҳон банки йўли билан ўндан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Мустақиллигимизнинг ўн биринчи йилида бу нуфузли молиявий ташкилот кўмаги билан қишлоқ ҳўжалиги ва сув таъминотини ривожлантиришга йўналтирилган икки йирик лойиҳа рўёбга чиқариляпти. Бу мақсад йўлида 76 миллион АҚШ доллари ҳисобидидаги кредит маблағлари ўзлаштирилиши керак.

Вилоятимизнинг ўзи ҳам хориж билан бевосита «бел-

Жўрабек МУРОДОВ.

Асосий қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ БАХТИМИЗ

58-модда. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.



Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашушига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашушига йўл қўйилмайди.

ларнинг яшаш шароити, иш ҳақи, таълим, соғлиқни сақлаш масалаларида камситишларига йўл қўймайди ва уларга мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имкониятларни яратиб беради.

Давлат ва унинг тегишли органлари жамоат ташкилотлари фаолиятига аралаша олмайди. Ташкилот, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг фаолияти уларнинг аъзолари томонидан асосан уларнинг ишдан ташқари вақтларида ушбу корхоналар ҳисобидан амалга оширилади.

Шу билан бирга давлат жамоат бирлашмаларининг фаолиятини назорат қилиш ва кузатиб туришга ҳақли, яъни: биринчидан, молия органлари жамоат бирлашмаларининг даромад ва молиялаштириш манбаларини назорат қилиб боради;

иккинчидан, ушбу ташкилотлар томонидан қонунларнинг бажарилишини кузатиб боради;

учинчидан, жамоат уюшмалари аъзоларидан устайга амал қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича тушунтиришлар олади;

тўртинчидан, давлат ташкилотлари жамоат бирлашмалари олиб бораётган тадбирларга ўз вакилларини юборди.

Жамоат бирлашмалари нодавлат ташкилотлари бўлиб, ўз навбатида, давлат органларининг фаолиятига аралаша олмайди, назорат қилиш, қилинган ишлар бўйича ҳисоботлар талаб қилиш, қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари давлат органлари устидан молиявий назорат, яъни текширув ўтказиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, қонуний равишда амал қилиб турган жамоат бирлашмаларининг ҳолатини ва бошқарув органлари фаолиятига қонунда кўзда тутилган ҳолда аралашуши ва уларнинг фаолиятига тўқинлик қилиши ман этилади.

Эргаш САЙТОВ, Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

Республика Олий Мажлисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари кўмиталарининг қўшма йиғилиши ўтказилди.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НОҚУСАЛИШИ УЧУН

Йиғилишда мазкур кўмиталарнинг 2001 йил 3 июлдаги қўшма йиғилишида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тўғрисида»ги қарори ижроси муҳокама қилинди. Унда таъкидланишича, 2001 йил ва 2002 йилнинг биринчи ярмида олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда умумтаълим мактабларида ҳуқуқшунос фанларидан дарс берадиган миқдор яқин ўқитувчи Тошкент давлат юридик институтда, 2300 дан зиёд мутахассислар эса Республика юристлар малакасини ошириш марказида махсус дастур бўйича таҳсил олганлар. Қонунга хурмат туйғусини шакллантириш мақсадида маҳалларда, корхона, муассаса ва ташкилотларда, ўқув юртиларида жами 66 мингдан зиёд давра суҳбатлари ўтказилган.

Адлия вазирлиги ўринбосари Буритош Мустафоевнинг қайд этишича, ҳисобот даврида мазкур кўмитадан 127 та мезърий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилган. 140таси рад этилган. 186 та мезърий ҳужжатлар эса бекор қилинган. 2000-2001 йиллар давомида 2315 нафар тадбиркор ноқонуний жазоланганлиги аниқланиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. 788 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди ва 400 нафардан ортиқ мансабдор шахс эса вазифасидан озод этилди.

— Ҳуқуқий-демократик жамият қуриш сари бораётган мамлакатимизда ҳуқуқшунос кадрлар этиштирилади, — деди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Илғизар Собиров. — Икки юз ўн иккита туманда ҳуқуқшунос кадрларга эҳтиёж катталигича қолмоқда. Ушбу масала бор-йўғи йигирма беш туманда илҳобий ҳал этилган.

Йиғилишда ҳуқуқий таълимни чуқур ўрганишга иштирослашган академик лицей ҳамда коллежлар қурилиши, ҳуқуқий-маърифий қўлланмалар чоп этиш ва уларни фуқароларга етказиб бериш масалалари муҳокама қилинди. Миллий дастур талабларидан келиб чиқиб қонунчиликнинг долзарб муаммоларини янада чуқурроқ таҳлил қилиш ҳамда бу борада чет эл тажрибаларини ўрганиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлари қулайитириш зарур деб топилди. Давлат органларида ҳуқуқшунос иттиҳосига эга бўлган шахслар ишлаши талаб этиладиган лавозимлар рўйхатини тайёрлаш, юристлар уюшмасини ташкил этиш каби муҳим масалалар назардан четда қолма келаётганлиги билдирилди. Адлия вазирлигига, бошқа қатор вазирликларга, жамоат ташкилотларига жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ижросини таъминлаш билан боғлиқ қатор тавасиялар берилди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Туркистон-пресс».

Болалар ёзи



«ХУМСОНБУЛОҚ»

Бўстонлик туманидаги Хумсон қишлоғида «Ўзбексаудо» акциядорлик компанияси тизимидаги жамоалар учун соғломлаштириш оромгоҳи қуриб фойдаланишга топширилди.

Унда барча қулайликларга эга бўлган, 140 ўринли 5та икки қаватли котеж, бош корпус, 150 ўринли ошхона, катталар ва болалар учун қўмилуш ҳавзалари мавжуд. Бинолар Европа андозлари асосида қурилди. Унинг атрофини обод қилиш учун 500 тунг янги кўчат ўтказилиб, 7 гектарлик боғ яратилди. Янги қурилган корпуслар замонавий мебел, телевизор, гиллавлар ва бошқа керакли асбоб-анжомлар билан жиҳозланган. Бу маскан

«Ўзбексаудо» акциядорлик компаниясига қарашли қурилиш-монтаж ва пардозлаш ташкилотлари томонидан бунёд этилди. Укам дарёси қирғоғида эса, дам олувчилар учун 10 та сўридан иборат сўлим чойхона қуриб ишга туширилди, қундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилинадиган дўконлар ҳам дам олувчилар хизматига бўлади.

Булоқ сувлари асосан жигар, ошқон ва ўт пуфағи касалликларига даво бўлади. Булоқ сувини қадоқлаш цехи қурилмоқда. Яқин орада катта физиотерапия корпуси қурилиши бошланади. Булардан ташқари Хумсон қишлоғида яшовчи 150 киши «Хумсонбулоқ» оромгоҳида иш билан таъминланади.

Муртазо СУЛТОНОВ.

ОРОМГОҲ ҚЎЙНИДА

«Бекободцемкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маъмурияти ва касба уюшмаси кўмитаси ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилишга ҳар йили катта ҳажмдаги маблағлар сарфлашмоқда. Чунончи, ўқувчилар оромгоҳи ҳам улар хизматига. Жорий йил давомида цементчиларнинг 450 нафар ўғил-қизлари ёзги таътили унинг бағрида ўтказишади.

Ширинсойнинг табиати гўзал ва мафтункор жойларнинг бирида барпо этилган бу масканда болаларнинг мириқиб дам олишлари учун ҳамма нарса муҳайё қилинган. Улар кунига маҳал овқатланадилар, тиббиётчилар назоратидан ўтиб турадилар.

—Цементчиларимиз фарзандларининг маънавий-ахлоқий тарбиясига ҳам катта эътибор бераёلمиз, — дейди оромгоҳ бошлиғи Рания Хайдарова, — кутубхона улар иштироғида. Турли кўрик-танловлар ўтказиб туришимиз, яқинда Алломи ва Барчинолар беллашувини уюштирдик. Топқирлар ва зукорлар мусобақалари доим қизғин ўтатилади. Махсус тест ўқитувчилар иштироғидаги туркум машғулотларда катнашади.

Таҳсил кунлари турли кўрик-танловлар, беллашувлар, давра суҳбатлари ўтказилади.

Ўз мухбиримиз.

ИСТЕЪДОДЛАРИНИНГ ЁЗГИ МАКТАБИ

Тошкент вилоятидаги «Меҳрхўн» оромгоҳида «Агроистеъдод-2002» ёзги мактаби очилди. Уни Халқ таълими вазирлиги Республика ўқувчилар техника иходиёти маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Мактабда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги техника ва қишлоқ ҳўжалиги, экология, техника фанлари

муассасаларининг иктидорли ўқувчилари ёзги ҳордиқ чиқариш билан бирга агрономия, қишлоқ ҳўжалиги, экология, техника фанлари

бўйича билим ва кўникмаларини оширади. Таниқли олим, мутахассис ва ўқитувчилар иштироғидаги туркум машғулотларда катнашади.

ЎзА.

Сўраган эдингиз

«Накладная» ёзиб берилган бўлиши керак. Юқорида айтиб ўтганимиз, қайд этиш китоби ва ҳисоб-варақа фактураси қатъий тартибда сақланадиган ҳужжат ҳисобланади. У тадбиркор ҳисоб-китобини қайд этувчи китоб юритиши зарур. Четдан келтирилган бу буюмлар улгуржи сотувчи жисмоний шахсларнинг аризаси асосида ўрни келганда яна шунчи айланганини ва бохжона тўлови тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ эди. Оқибатда у сотаётган 217,8 минг сўмлик ҳар хил автомобил мойлари, айнан шу сабабли тадбиркор И.Ақромовдан 80 донга қиймати 80 минг сўмлик «Росдод» суқоқлиги, Ф.Эшматовдан эса 1475,9 минг сўмлик автомобил эҳтиёт қисмлари олинди. Улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик жамияти бозорига ҳам республикага олиб келинганлигини исботловчи ҳужжатларисиз қанчалар буюмлари сотилаётганини кузатилиб, далилий ашё сифатида 6 нафар хусусий тадбиркордан жами 35946,5 минг сўмлик нарсалар олиб қўйилди.

«Қурилиш моллари бозори»да тўртта ҳолдада умумий баҳоси 8630,6 минг сўмлик бинокорлик материаллари бохжона тўловлари тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлиги сабабли вақтинчалик уларнинг савдоси тўхтатилди. Тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслар фаолиятлари давомида дуч келаятган муаммолар, ўз фикр мулоҳазаларини, шунингдек, фуқаролар жойларда амалдаги тартиб-қоидалар бўзилиши ҳолларига йўл қўйилаётганлиги ҳақидаги хабарларни вилоят солиқ бошқармасида ишлаб турган 137-60-11 рақамли ишонч телефонидан орақли маълум қилишлари мумкин.

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР ТАХТМИЗ!

унда марҳамат, савдони юритаверинг!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шундан сўнг солиқ идоралари ходимларига кўпчилик тадбиркорлар муурожаат этиб, ушбу қарор талабларини тушунтириб беришни сўрашмоқда. Уларга жаваб тариқасида Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи М.М.Комилов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

—Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори энг биринчи навбатда жисмоний шахслар томонидан республикамиз ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш ва келтираётган юқларини бохжонада расмийлаштириш тартибини содда-лаштиришни кўзда тутди. Авваллари жисмоний шахслар олиб келаятган товарлар учун қўшилган қиймат солиғи, бохжона бохлари ва йиғимлар ундирилган бўлса, эндиликда уларнинг ўрнига ягона бохжона тўлови жорий этилди. У ҳам бўлса содда-лаштирилган тартибда амалга оширилади. Демак, тадбиркор четдан товар келтиришида яна бир қулайлик яратилмоқда.

Ягона бохжона тўловлари қуйидаги қийматда ундирилади. Тижорат фаолияти учун у олиб келиш ноль ставка микдорига; Озиқ-овқат товарлари (ундан ташқари) бўйича -50 фоиз; Ноозиқ-овқат товарлари -90 фоиз микдорига.

Жисмоний шахслар томонидан акция солиғи солинадиган товарлар олиб келинса, улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва қийматда акция солиғи ундирилиши кўрсатилган. Мабодо улар республика ҳудудига четдан махсулот олиб келмоқчи бўлса, юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган яқка тартибда меҳнат фаолияти юритувчи тадбиркор сифатида рўйхатдан ўттирилади.

Республика Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси томонидан «Жисмоний

хизмати идораларида белгиланган тартибда рўйхатга олинди ва муҳр босилди. Яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор Ўзбекистонга хориждан юборилган нарсаларнинг чакана савдоси билан шуғулланмоқчи бўлса, у улгуржи сотувчидан ушбу товарлар четдан олиб келинганлиги ва ягона бохжона тўлови тўланганлигини исботловчи ҳужжатни олиши шарт. Бундай ҳужжат ҳисоб-варақа фактураси деб аталади. Белгиланган тартибда импорт товарларини сотувчи юридик шахслар томонидан эса,

тиб ўтиш керак, бундай тартиб ва қоидалар юзасидан жойларда тушунтириш ишлари олиб бораётганлигига қарамай айрим шахслар томонидан унга амал қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Масалан, Зангиюта тумани автомобил эҳтиёт қисмлари бозорига яқка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар қандай иш юритаётгани кўриб чиқилганда бир қанча салбий ҳолатлар аниқланди. Масалан, чет элдан олиб келинган автомобил эҳтиёт қисмлари сотаётган тадбиркор З.Турсуновда республика ҳудудига келтирил-

ганлигини ва бохжона тўлови тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлиги сабабли вақтинчалик уларнинг савдоси тўхтатилди. Тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслар фаолиятлари давомида дуч келаятган муаммолар, ўз фикр мулоҳазаларини, шунингдек, фуқаролар жойларда амалдаги тартиб-қоидалар бўзилиши ҳолларига йўл қўйилаётганлиги ҳақидаги хабарларни вилоят солиқ бошқармасида ишлаб турган 137-60-11 рақамли ишонч телефонидан орақли маълум қилишлари мумкин.

тиб ўтиш керак, бундай тартиб ва қоидалар юзасидан жойларда тушунтириш ишлари олиб бораётганлигига қарамай айрим шахслар томонидан унга амал қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Масалан, Зангиюта тумани автомобил эҳтиёт қисмлари бозорига яқка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар қандай иш юритаётгани кўриб чиқилганда бир қанча салбий ҳолатлар аниқланди. Масалан, чет элдан олиб келинган автомобил эҳтиёт қисмлари сотаётган тадбиркор З.Турсуновда республика ҳудудига келтирил-

ЭҲТИЁТ БЎЛИНИНГ — ГАЗ!

Рўздорда газдан фойдаланишнинг асосий талабларини эслатиб қўямиз.

- Уй-жойларни газлаштириш, газ асбобларини қайта ва қўшимча ўрнатиш фақат яшаш жойи бўйича шахар (туман) газ, идоралари орқали амалга оширилиши лозим. Дикқат! Қатъиян ман этилади: — газлаштирилган уй-жойларни, алоҳида газ асбобларини газ таъминоти тизимига ўзбошимчилик билан улаш; — ностандарт ва носоз газ асбобларидан фойдаланиш; — шлангли улангичлардан фойдаланиш; — иссиқхоналарни иситиш, тандир-

- лар, ностандарт ёки рўйхатга олинмаган газ ёниқ қурилмаларни ишлатиш учун шүткерлар, опускларни тешиб ўрнатиш ва фойдаланиш; — рўйхатдан ўтмаган газ баллони қурилмаларини ишлатиш; — кўп қаватли уйларда газ баллонларини сақлаш ва фойдаланиш. Ўзбошимчилик билан қилинган фактлар аниқланса, уй-жойлар, хонадонлар эгаларига нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ чоралар қўрилади. Ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг. Газ узатиш эҳтимол авария оқибатида тўхтаб қолса, хоналар газга тўлиб қолади. Ёш болалар ва ўқитилмаган

- кишиларнинг газ асбобларидан фойдаланишларига йўл қўйманг. Сув иситгичлар, сув иситиш қозонлари ва печларни уларни ишга тушириш олдида ва ишга туширилгандан кейин мўриларига ҳаво тортилишининг борлигини текширишни унутманг. Газ плитасидан фойдаланганда: — ойнинг дарчасини очиб юборинг. Ҳаво тортиш каналининг соғлигини кузатиш; — ишичи столи ёки духовка шкафи газёничи ўчиб қолганда уни қайта ёқиш олдида духовка шкафи ва хонани обдон шамоллатиш; — плита устида кир қуритманг; — газ плиталаридан хонани иситиш учун фойдаланманг, чунки ёниш махсулотлари заҳарланмишга олиб келиши мумкин. Баллонли газ қурилмасидан фойдаланганда босимдан тартибга солиш ва улайдиган шлангларнинг соғлиғи устидан назорат қилинг. Газ ҳидини сезсангиз, газ асбоблари олдида ва ундан юқоридаги жўмрақларни беркитинг, хонани шамоллатинг, электр ёндиригичлардан, очик оловдан фойдаланманг, бу ҳақда 04 телефон орқали зудлик билан хабар беринг. Унутманг! Уй-жойларда газ асбобларини хавфсиз фойдаланиши учун хонадон эгалари жавобгардирлар.

- тиш учун фойдаланманг, чунки ёниш махсулотлари заҳарланмишга олиб келиши мумкин. Баллонли газ қурилмасидан фойдаланганда босимдан тартибга солиш ва улайдиган шлангларнинг соғлиғи устидан назорат қилинг. Газ ҳидини сезсангиз, газ асбоблари олдида ва ундан юқоридаги жўмрақларни беркитинг, хонани шамоллатинг, электр ёндиригичлардан, очик оловдан фойдаланманг, бу ҳақда 04 телефон орқали зудлик билан хабар беринг. Унутманг! Уй-жойларда газ асбобларини хавфсиз фойдаланиши учун хонадон эгалари жавобгардирлар.

«Ташвиқотга таъминот» шўба корхонаси.

НИҲОЛНИНГ ОЁГИН ЎПИБ ЁТАР СУВ

ЖАННАТ ЎЛКА
Барг аро кўринар нафис ҳандалак,
Хиёла очилгандек ай ёқаси.

Қишлоқ ушлаб ётар бир чирой бўлиб,
Нур тўлган бағридан зулмат йўқлар.

Ғолиб бўлган лашкар сардори мисол,
Қалбимни банд этмиш мағрур сурагинг.

Шоирона ихор, қаломлар айтиб,
Ниҳолнинг оёгин ўпиб ётар сув.

МАРДИ МАЙДОН
Шаддатли жанг борар, зириллар майдон
Жавлон урар бунда битта баҳодир.

Безовта дил ичра гуллайти тилак,
Ажаб, бунча тотли унинг азоби?!

Мевалар етилган, шарбатга тўлиб,
Лафозат тилмоли — бўй қиз мисоли.

Қалқони йўқ, унинг тўни ҳам яланг,
Нишона оқ ялтаск — тенгсиз совутга.

ЙИЛЛАР ШАМОЛИ
Оқ, беафқат эсди йиллар шамоли,
Учириб ташлади сеги шамини.

Заминнинг дил рози — очилган ҳар гул,
Кўчи ҳумор боқар осмон тоқиди.

Тутундек ўрлайди атрофидан чанг,
Заминга қайлаган икки оёғи.

Хайлар тўғийди шамол домиди,
Димоққа ҳисларнинг уфори урди.

ЕЗ ОҚШОМИ
Кўчи ётмоғи ташлар ўзини,
Уйлари кетма-кет ёқилар чироқ.

Кўлида кетмони — мислсиз яроғ —
Уйларида Алнинг алмос тийғайди.

Хумори босилмас, исминги излар,
Энди васлинг ёди — мен севган эрмак.

Йилб кетар сунга тўлган сийна-ой,
Борлақ ҳам суранган кашф ётар зумди.

ИШҚА АСИРЛИК
Малика сўрамас, ётар ихтиёр,
Сурамайдиган мендан ижозат сен ҳам.

Оқ, беафқат эсди йиллар шамоли,
Учириб ташлади сеги шамини.

ҚИММАТОЙ — БАҲС
ҒОЛИБАСИ

Янгийўл туманидаги «Гулбахор» касб-ҳунар
коллежиди «Йил ўқитувчиси» вилоят кўрик-тан-
лови бўлиб ўтди. Иштирокчилар бешта шарт
бўйича баҳс олиб боришди.

Танловга ҳар томонлама
пухта тайёргарлик кўрган Ян-
гийўл туманидаги 11- мактаб-
нинг она тили ва адабиёти
фани ўқитувчиси Қимматой

Малик шаҳри вакили Т.Беза-
нова учинчи ўринларга му-
носиб топилди. Соғирин-
дорларга эсдалик совғалари
топширилди.

Энди Қ.Маматқулова маз-
кур кўрик-танловнинг рес-
публика босқичида вилоят-
миз шарафини ҳимоя қила-
ди.

Санжар УСМОНОВ.



Қатрлар

ОНАИЗОР

Унда онам ҳаёт эдилар.
Изгирилли кунларнинг би-
рида туни билан мазам
бўлмади. Оғриққа чидовмай

ноқ чой олиб кираман.
Уша кунлар ганимат
экан...

Яқинда яна иситмам кўта-
рилиб аъзон баданим қизиб
тинч ором олишимга имкон
бермади. Ҳаммаёқ қоп-
қоронғу, ҳамма ором оғуши-
да. Фақат мен бедор, фа-
қат мен ётган уйнинг чироғи

— Тинчликми, болам,
нега ухламаясан, — деди-
лар онам.

Узлари хаста эдилар.
Шуни уйлаб волидамни таш-
вишга қўйишни истамай

кўриб, қандай қилиб хотир-
жам ёйта болам? — Узин-
ни кўярга жой тополмай
қийналясан-ку. Ҳозир қай-

— Қандай қилиб хотир-
жам ёйта болам, — куюниб
гапирдилар онам. — Узин-
ни кўярга жой тополмай

қийналясан-ку. Ҳозир қай-
ригимга ёш келди.

РУҲЛАРИ МАДАДКОР

Қадрдон дўстим тўй қилди.
Хизматда бўлиб ярим тун-
да қайтдим. Ҳовлимиздаги чироқ ёниқ эди.

— Мунча кечикдинг, болам? — деб сўрадилар. — Минг
хавлга бориб ўтирувдим-а.

Эртасига тахририятда навбатчи эдим. Яна кечикдим.

— Овқатингни иситиб берайми, — деб сўрадилар.

— Йўқ, раҳмат, қорим тўқ, — дедим.

— Уч-тўрт кундан сўнг синфдош дўстининг туғилган куни
бўлди. Яна кеч қайтдим. Ҳаммаёқ жим-жит. Фақат воли-
дам ухламаган эдилар. Менга пeshвоз чикдилар. Кейин
шундай дедилар:

— Ойингнинг руҳлари доим сени қўласину жоним бо-
лам, энди кўпда уйга кеч қолма. Ҳозир ҳам шундай
ортингда оппоқ рўмонда ойингнинг чечраларни кўринди.

— Раҳматли буйижоним руҳлари уйга қайтгунимча менга
ҳамроҳ бўлган экан-да. Энди бу дунёда онам ҳам йўқлар.

Уйлаб кўрсам кексалар ўшаларни ота-болаларинг руҳи
қўласин, деб дуо қилишлари бежиз эмас экан.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Биласизми?

ШАМСИЯ

Жазирама иссиёқ ва қор-
ёғиридан яна қилувчи соя-
бича тўтиб фикри милоддан
анча аввал пайдо бўлган.

Деди: ким бетиҳтов азоб-
да?
Дедим: газаб ва нафрат-
дан бўғилаётган инсон.

Дедим: ишлари одамларга
зиён етказишдан нарига ўтма-
ган одам.

Деди: энг хавфли душман
ким?
Дедим: оғзи бузуқ, қалта-
фаҳм, ўта такаббур одам.

Деди: осойишталик.
Деди: осойишталикнинг
қай бири яхши?
Дедим: замон осойиштали-
ги.

Деди: қайси ишларнинг
оқибати қабих?
Дедим: ёмонларнинг ри-
золигини олиш.

Деди: қайси чарчқ да-
вомли?
Дедим: хулқи ёмон султ-
тоннинг суҳбати.

Деди: инсонни ҳалок
этувчи осон йўл қайси?
Дедим: кўнгилихушлик,
хаво кетидан эргашши.

Деди: ким ҳоли энг ачи-
нарли бўлиб, меҳрга кўпроқ
сазovor?
Дедим: пасткаш одам
ҳукмронлик қилган қаромат-
ли инсон; жоҳил раҳбарлик
қилган оқил; фожир одам
қўл остидаги художўй.

Деди: қай бир одамнинг
ғами тугамайди?
Деди: бойиб қолган фа-
қир, паст одам қудрат со-
ҳиби бўлиб қолса, серташ-
виш одам неъмат эгаси
бўлиб қолса, ўйин қулгу
кетидан кетган одамнинг
йўлида ғовлар пайдо бўлиб,
ишлари тўхтаб қолса.

Деди: одамлар энг қўп
та-
лаб этган нарса?
Дедим: кўнгли очиш; ис-
таганига етишмоқлик; сураган
нарсанинг муҳайё бўлиши;
туганмас бойлик.

Деди: кўрмоқликка энг
лойиқ нарсалар?
Дедим: нотинч замон;
ёлғончи дўст; қучли душман.

Деди: сурурнинг қай бири
яхши?
Дедим: ишлар-
Дедим: амали
солиҳ.

Деди: энг тез фасод кел-
тирувчи нарса?
Дедим: гийбат.

Деди: энг ёмон, қабих
орзу тилақ?
Дедим: ёмонлар орузу
тилағи.

Деди: инсонларга энг
ярашмаган иш?
Дедим: олим учун мак-
танчоқлик; шижоатли ода-
мига адолатсизлик; подшоҳга
қалтафаҳмлик; аёлларга
хаёсизлик; фақиҳга муҳаб-
бат — хаво кетидан кетиш;
халқ оmmasига ёлғон сўз.

Деди: қоралашга лойиқ-
роқ инсон?
(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Деди: қоралашга лойиқ-
роқ инсон?
(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Деди: қоралашга лойиқ-
роқ инсон?
(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Деди: қоралашга лойиқ-
роқ инсон?
(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Деди: қоралашга лойиқ-
роқ инсон?
(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Деди: қоралашга лойиқ-
роқ инсон?
(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Деди: қоралашга лойиқ-
роқ инсон?
(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Деди: қоралашга лойиқ-
роқ инсон?
(Давоми.
Боши ўтган сонларда).



«DEMIR» ОАЖ ХК акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори ҳақида хабар беради:

- умумий йиғилиш тури
— ўтказиш шакли
— ўтказилган санаси
— ўтказилган жойи
— умумий йиғилиш қворуми
— кун тартиби масалалари ва овоз бериш натижалари:

- Кун тартиби:
1. 2001 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолият тўғрисида ҳисобот.
2. Жамият аудитори хулосасини тасдиқлаш.
3. Бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
4. Жамият фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.
5. 2002 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
6. Бундан кейинги даврда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш режасини тасдиқлаш.
Умумий йиғилиш қарори:
1. «DEMIR» очик акциядорлик жамияти ХК ва унинг ижроия органи фаолияти яқунларини қониқарли деб баҳоланган.
2. 2001 йил учун бухгалтерлик баланси ва молиявий ҳисоботни ўтказиш аудитори бўйича аудитор компаниясининг хулосаси эътиборга олинсин.
3. 2001 йил учун йиллик бухгалтерлик баланси ҳамда фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.
4. 2001 йил фаолияти яқунлари бўйича соф фойда қорхона ихтиёрида қолдирилсин.
5. «ZUMRAD-AUDIT» аудиторлик компанияси жамиятнинг 2002 йилги аудитори сифатида тасдиқлансин.
6. «DEMIR» очик акциядорлик жамияти хориж қорхонасининг Ўзбекистон Республикасида фаолиятини кенгайтириш бўйича олиб бораётган иши тасдиқлансин.

Table with columns for various companies and their financial status, including Tuzuvchi: Akrumjon ХУЖАМОВ.

TOHSHENT ҲАҚИҚАТИ
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОҚИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.